

Асака тумани
(шартнома тузилган жой)

06 декабрь 2022 й.
(шартнома тузилган сана)

Бундан буён «Харидор» деб аталувчи 25-Душанбе номидан низом асосида фаолият олиб боровчи раҳбар К. Асқаров бир томондан ва бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи «NEW OASIS TRADING 770» МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи М.Джурбаева бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Сотувчи» куйидаги шартларга мувофиқ Куз-қиш мавсумига озик овқат махсулотлари захираси учун махсулотларни етказиб беради «Харидор» эса махсулотларни қабул қилади ва тўлайди:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1.	пирез	кг	1000	3000	3000000
2.	чирчиқ	кг	1000	10400	10400000
3.	картолка	кг	4000	3525	14100000
					27500000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 27 500 000 (Иккитизта етти миллион

беш юз минг) сўми ташкил қилади

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. «Харидор» мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. «Харидор» аванс маблағлари «Сотувчи» нинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Сотувчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. «Харидор» товарларни қабул қилишда «Сотувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «Сотувчи» ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. «Харидор»нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита «Харидор»нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контракта кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

«Сотувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Харидор» ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, «Сотувчи»дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

«Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- «Сотувчи»дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Харидорнинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. «Сотувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Харидор»дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- “Харидор”дан мазкур шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда келтирилган килмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. “Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

- Харидорга товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида “Сотувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Харидорнинг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек “Сотувчи” шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи “Сотувчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “Сотувчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисобкитобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор махсулот “Сотувчи”га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Харидор” “Сотувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. “Сотувчи”:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (харидор) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Сотувчи”дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима “Сотувчи”дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар “Сотувчи” сотиб олувчига (харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун “Сотувчи” сотиб олувчига (харидорга) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (харидор) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Сотувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Сотувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Сотувчи»	
Ташкилот номи: "NEW OASIS TRADING 770" МЧЖ	
Манзил: Андижон вилояти Асака тумани	
Телефон: +998 97 261-07-07	
Факс: _____	
СТИР коди: 309524823	
ХХТУТ коди: _____	
Х/Р: 2020 8000 0055 5531 3001	
Банк номи: "Микрокредитбанк" АТБ	
Андижон вилоят бўлини	
МФО: 00078	
Раҳбар (директор): _____	М.Джурабаева
М.У.	(имзо)

«Харидор»	
Ташкилот номи: _____	
Манзил: АСАКА ТУМАНИ, 25-SONLI DIMI	
телефон: _____	
СТИР коди: АСАКА ТУМАНИ, МИКРОКРЕДИТ Б.Ҳ.Ҳ.	
Фазна шаҳри, хисобварағи: 10071060032247092300075001	
Шх/в: МФО: 00014 STIR: 201646219	
Фазначилик бўлинмаси номи: ХХТУТ: 92200	
Республика: _____	
Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳри	
Ягона Фазначилик ҳисобварағи	
(ЯҒХ): 23402000300100001010,	
МФО: 00014, Фазна СТИРи: 201122919	
Раҳбар (директор): _____	К.Асқаров
М.У.	(имзо)

Юрист: <u>У Кабулов</u>	<u>Укабулов</u>	» » _____ 20__ й.
(Ф И Ш.)	(имзо)	(сана)
		М.У.